

**COURSE «BANK AUDITING»  
LECTURE #3**

**EXTERNAL AUDIT IN BANKS**

**Rizaev N.K. - DSc**

---

**“БАНК АУДИТИ” ФАНИ  
3-МАВЗУ  
БАНКЛАРДА ТАШҚИ АУДИТ**

**РИЗАЕВ Н.К - DSc**

---

**Режа:**

- 1. Банкларда ташқи аудитни ташкил қилиш**
- 2. Банкларда ташқи аудитни ўтказиш**
- 3. Банкларда малака сертификатлари**

*Таянч сўз ва иборалар:* Банкда ташқи аудит, ташқи аудитни ташкил этиш, ташқи аудит тамойиллари, ташқи аудит режаси, ташқи аудит дастури, ташқи аудитни ўтказиш тартиби, ташқи аудит хулосаси ва ҳисоботи.

**1. Банкларда ташқи аудитни ташкил қилиш**

**Аудитор** — аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

**Аудиторлар реестри** — аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган аудиторларнинг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан шакллантириладиган реестр мустасно;

- **аудиторлик фаолияти** — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти;

- **аудит кўмитаси** — хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган, қоида тариқасида, камида бир нафар мустақил аъзони ўз ичига оладиган, молиявий ҳисоботни тузишнинг тўғрилиги устидан назорат ўрнатилиши, мустақил аудиторлик ташкилотининг танланиши, аудиторлик текшируви ўтказилиши жараёнларини кузатиш, шунингдек ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ҳамда ўрганиш учун масъул бўлган кўмита;

• **рэнкинг** — аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини тавсифловчи муайян кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга ажратилган аудиторлик ташкилотларининг тартибга солинган рўйхатларини шакллантириш;

• **талабгор** — малака сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга даъвогар бўлган жисмоний шахс.

**аудиторлик ташкилоти** — аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти;

**Аудиторлик ташкилотларининг реестри** — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати;

*Халқаро бухгалтерлар федерациясининг* Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти стандартларидир<sup>1</sup>.

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Ўзбекистон Республикасида эълон қилиш тўғрисидаги рухсатномаси асосида аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик фаолияти стандартлари асосида амалга оширилади.

Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун уларни тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида:

- банкларни ва бошқа кредит ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди;
- банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатини бериш тартибини белгилайди ва уни беради;
- банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган Аудиторларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари:

• малака имтиҳонларини ўтказишда ва тест саволларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

---

<sup>1</sup> [Wally Smieliauskas](#), [Kate Bewley](#). Auditing: An International Approach Hardcover. McGraw-Hill Ryerson; 6 edition. 800 pages. 2014.

- аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Халқаро одоб-ахлоқ стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинган Профессинал бухгалтернинг одоб-ахлоқ кодексига риюя этилишининг тизимли мониторинги ташкил этилишини таъминлайди;

- аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

- рэнкинг ўтказишнинг ягона тартибини белгилайди;

- рэнкинг ўтказилишини ташкил этади ва ҳар йили 1 майга қадар унинг натижаларини ўз расмий веб-сайтларида эълон қилади;

- аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари аъзоларининг реестрларини юритади ва уларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради;

- зарурат бўлганда, бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро ташкилотларнинг ишида иштирок этади;

- ҳар йили 10 январга қадар аудиторларнинг малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги ахборотни ваколатли давлат органига тақдим этади.

### **Аудитор. Аудиторнинг ёрдамчиси**

- Аудитор ўзи билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома асосида бир вақтнинг ўзида фақат битта аудиторлик ташкилоти таркибида ишлаши мумкин.

- Аудитор ўзи ишлайдиган фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин.

- Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги муносабати билан Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган аудиторлик ташкилотини илгари бошқарган аудитор аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган санадан эътиборан уч йил ичида бошқа аудиторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши мумкин эмас.

- Аудиторнинг малака сертификатига эга бўлмаган, аудиторлик ташкилотида ишловчи ҳамда аудиторнинг топшириғига кўра аудиторлик хулосасига ва аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатга имзо қўйиш ҳуқуқисиз аудиторлик текширувида иштирок этадиган жисмоний шахс аудиторнинг ёрдамчисидир.

Аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан унинг аудиторлик текширувида иштирок этиши чоғида ўзи олган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти татбиқ этилади.

## **2. Банкларда ташқи аудитни ўтказиш**

Ташқи аудитнинг мақсади банкларнинг Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига (ХБҲС) ҳамда қонунчиликка мос равишда тузилган молиявий

ҳисоботларининг ҳаққонийлигига нисбатан мустақил аудиторларнинг ҳолисона фикрини билдиришдир. Аудитни ўтказиш жараёнида аудиторлар банк ички назоратидаги камчиликлар ҳақида алоҳида ҳисобот тайёрлаши лозим.

Ташқи аудит Адлия вазирлиги томонидан 04.11.2000 йилда рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги 982-сонли Низом асосида ўтказилади.

Банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш учун аудитор малака сертификатига эга бўлиши лозим.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатларини олиш учун банк аудиторларини тайёрловчи махсус ўқув курсларини тамомлаган шахслар малака имтиҳонларига қўйилади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатларини олиш ва малака имтиҳонларини топшириш учун аризачи томонидан Марказий банкка ариза топширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- Молия вазирлиги томонидан аудиторга берилган малака сертификатининг нотариус тасдиқлаган нусхаси;

- олий маълумоти тўғрисидаги диплом ва меҳнат дафтарчасининг нотариус тасдиқлаган нусхалари;

- шахсий варақа (2 дона фотосурат билан бирга);

- банк аудитори малакасини олганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Даъвогарлар малака имтиҳонларини Марказий банкда топширадилар. Имтиҳонларни топшириш тартиби, унинг шакли ва мазмуни Марказий банк томонидан белгиланади.

Бажарилган ишлар "қониқарли" ёки "қониқарсиз" тизими бўйича баҳоланади.

"Қониқарли" баҳо олган даъвогарлар малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган ҳисобланадилар.

Имтиҳон комиссияси имтиҳонлар ўтказилгандан сўнг сертификат олиш учун даъвогарлар топширган имтиҳон натижалари бўйича ижобий ёки салбий қарор қабул қилади.

Малака имтиҳонларининг натижалари имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома Комиссия раиси ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Қуйидаги асосларга кўра, банкларда аудит текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини бериш рад этилиши мумкин:

- аризачи Марказий банк қўйган талабларга жавоб бермайди, жумладан, олий маълумотга эга эмас, банк соҳасида (камида 2 йил) ёки халқаро аудиторлик ташкилотларида (камида 1 йил) иш тажрибасига эга эмас; суд ҳукми билан муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш (муайян ҳуқуқдан

махрум этиш) жазо турини қўллаш орқали жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, жазони ўташ даврида ва қонунда белгиланган тартибда судланганлик ҳолатининг тугалланиши (олиб ташланиши)га қадар;

- банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатини олиш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққоний эмаслиги ҳамда лицензиялаш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудит ташкилотлари рўйхатини тузади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат олиш учун аудиторлик ташкилоти томонидан Марказий банкка ариза тақдим этилади.

Аудиторлик ташкилотининг аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатларига эга бўлган мутахассислар борлиги тўғрисида маълумот;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариус тасдиқлаган нусхаси.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат Марказий банк томонидан таркибида банкларда аудит текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган 2 та аудитори бўлган аудиторлик ташкилотига берилади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат уни бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида ташкилот директорига аудиторлик ташкилотлари рўйхатини юритиш бўйича давлат китобига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

- банк аудити ўтказиш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга бўлган 2 та мутахассиснинг йўқлиги;

- аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар, шунингдек унинг аудиторларига тааллуқли бошқа маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

- банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат олиш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққоний эмаслиги ҳамда лицензиялаш талаблари ва шартларига мувофиқ эмаслиги.

Банкларда аудит текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

- аудиторлик ташкилоти томонидан Марказий банкнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарори бажарилмаганда;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилганда.

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор Марказий банк томонидан аудиторлик ташкилотига ёзма шаклда у қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида етказилади.

Аудиторлик ташкилотига сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун олти ойдан кўп бўлмаган муддат берилади.

### **3. Банкларда малака сертификатлари**

Аудиторнинг малака сертификати (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) аудиторнинг малакасини тасдиқлайдиган ва унга аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатдир.

Сертификат башарти талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширса, ваколатли давлат органи томонидан бериладиган, қатъий ҳисоботга оид ҳужжатдир.

Сертификат дастлабки беш йиллик муддатга берилади, унинг амал қилиши навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилади.

Талабгорда халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлган ҳамда сертификат унга малака имтиҳонини топширмаган ҳолда дастлабки беш йиллик муддатга берилади ва белгиланган даврийлик билан узайтирилади.

Сертификат олиш учун талабгор олий маълумотга ҳамда олий таълим ташкилотини тамомлаганидан кейин охириги ўн йилдан камида уч йил бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ёки олий таълим ташкилотида «Бухгалтерия ҳисоби» ёхуд «Аудит» фанидан дарс бериш соҳасида иш стажига (шу жумладан ўриндошлик асосида) эга бўлиши керак.

«Бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» ихтисосликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган талабгор учун аудиторлик ташкилотида камида бир йиллик иш стажига (шу жумладан ўриндошлик асосида) талаб қилинади.

Талабгорнинг иқтисодий ихтисосликлар бўйича илмий даражаси мавжуд бўлган тақдирда, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги иш стажига талаб этилмайди.

### **ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Ibragimov A.K., Auditning xalqaro standartlari asosida tijorat banklarida ichki

- auditning tashkiliy asoslari. O'quv qo'llanma. – T.: Moliya. 2013. – 384 b.
2. Karaliyev T. Fayzullaeva M. Bankovskiy audit.TMI. 2014.
  3. Yadgarova M., Qurbonov R. Bank auditi. Darslik. –T.: «IQTISOD-MOLIYA» 2019 y.
  4. Tuychiyev A., Qo'ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I., Avazov I. Audit. Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 530 b.
  5. [Wally Smieliauskas](#), [Kate Bewley](#). Auditing: An International Approach Hardcover. McGraw-Hill Ryerson; 6 edition. 800 pages. 2014.
  6. David O'Regan. International Auditing: Practical Resource Guide 1st Edition, Wiley; 1 edition, 312 pages. 2015.
  7. Fayziyev Sh.N., Dusmurotov R.D., Karimov A.A., Qo'ziyev I.N., Avlokulov A.Z. Audit. Darslik. –T. OQTISOD-MOLIYA, 2015. -392 b.
  8. Arens A., Lobbek Dj. Audit. Per. s angl. pod red. Ya.V. Sokolova. - M.: Finansi i statistika, 2013. -560s.
  9. Sheremet A.D., Suyts V.P. Audit. Uchebnik.- M.: INFRA-M, 2009. -456 s.